

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 25 ноябрь, № 229 (4892)

Чоршанба

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР ФАЙЗИ

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари кўркам шаҳару кентлар қатори олис қишлоқ ва овулларимиз қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юбормоқда. Натижада юртимиз янада чирой очиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бораётир.


Жумладан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига биноан, Қорақалпоғистон Республикасининг олис қишлоқларида ҳам миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида кўркам, шинам уй-жойлар қад ростламоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлапти. Айни кунда мазкур қарорга биноан

Жараён

"Қишлоқ қурилиш банк" қошида "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси ташкил этилиб, самарали фаолият юритаётир.

— Эллиққалъа, Қўнғирот, Хўжайли, Кегайли ва Нукус туманларида 20 тадан, жами 100 та уй-жой намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилмоқда. — дейди компаниянинг Қорақалпоғистон филиали директори Л. Алламжонов. — Тендер танловларида голиб чиққан "Аёзқалъа махсус қурилиш", "Аржан қурилиш", "Навэрал Кегайли", "Элнинг кўрки қурилиш" ва "Қорақалпоқ таъмир қурилиш" корхоналари томонидан ушбу ҳудудларда бунёдкорлик ишлари жадал суьратларда олиб борилапти.

Муҳими, барпо этилаётган мазкур уй-жой объектига зарурий қурилиш ашёлари — гипс, цемент, черепица, темир-бетон буюмлари пешма-пеш етказиб берилмоқда.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги уй-жойлар қурилиши 2010 йилга қадар тугалланиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

«O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси авиапаркига ўзимизда ишлаб чиқарилган яна битта янги модификациядаги «Ил — 114 — 100» самолёти қўшилди.

ЎЗБЕКISTONDA ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН САМОЛЁТ ПАРВОЗДА

Пойтахтимиздаги "Тошкент" халқаро аэропортининг учмиш-қуниш йўналишига авиалайнер келиш кўнди. Уни "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси" давлат акциядорлик жамиятидан миллий авиакомпанияси учувчилари олиб келди. Ҳаво кемасини тантанали топшириш маросимида "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси, "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш

бirlашмаси" давлат акциядорлик жамияти вакиллари иштирок этди.
«O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси бош директори В. Тян мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан фуқаро авиацияси ва бутун авиация саноатини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг авиасозлар,

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИ

сайлов жараёнларини демократлаштириш ва эркинлаштиришда муҳим босқичдир

Сайловлар — муҳим демократик институт бўлиб, халқнинг хоши-иродасини ифода қиладиган асосий шакллардан биридир. Халқнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки, асосан, сайловлар орқали амалга оширилади. Шу маънода, мамлакатнинг ҳақон майдондаги обрў-эътибори, кўп жиҳатдан, сайлов тизимининг очиклиги ва демократиклиги билан белгиланади. Мазкур тизимнинг очиклиги ва демократиклиги эса, кўп жиҳатдан, сайловларнинг қонуний асосларига боғлиқ.

Сайлов — 2009

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз мураккабнинг дастлабки кунларидан эътиборан эски тоталитар совет тизимидан воз кечиб, мамлакатда ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётига ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган очик демократик давлат қурилиши олдидан қилдик. Янги давлат ва жамият қуриш учун ўзини тўла оқлаган беш тамойил асос қилиб олинди. Қонун усту-

ворлиги — ана шу тамойиллардан биридир. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўз мазмун-моҳиятига кўра, турли даражадаги сайловларнинг ҳусусиятлари эътиборга олинган сайлов тўғрисидаги бир қанча қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, унинг доми-тиги равишда такомиллашувига демократик ислохотларни амалга оширишнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралмоқда.

Маълумки, юртимизда демократик ислохотларнинг тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилиши ҳамда 2002 йилда умумхалқ референдумини ўтказиш жараёнида учта Конституциявий Қонун қабул қилинди ва бу сайлов қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритилиши тасдиқ этди. Шундан келиб чиқиб, 2003 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривож, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонунидир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида 17 йил илгари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимиз ривож, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустақкам йўлини белгилаб берди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий йўли аник ифода-лаб берилган бу қонуний ҳужжатда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини Конституцияда муҳрлаб қўйилгани мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти барпо этишнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз — буюк ҳаётимиз қомустирибди. Бу эса, ўз навбатида, Бош Қоғосимиз халқимизнинг руҳияти, маънавияти ва ораву-интилишларига ҳамоханг тарзда яра-

тилганининг амалдаги яққол ифодасидир. Инсонни эъзозлаш, манфаатларини ҳимоялаш чинакам демократик, адолатли давлатга хос хусусиятидир. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Утган йиллар давомида мана шу эзгу мақсадлар йўлида юртимизда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Инсон манфаатларини муҳофазалашга қаратилган миллий қонунчилик тизими яратилгани ва

ичкилик билан ҳаётта татбиқ этилаётгани самарасини бугун она-юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришида, аҳоли фаровонлиги, жамият барқарорлиги, обод шаҳару қишлоқлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ҳар бир шахс меҳнат қилиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда қўра-тилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши, мулкдор бўлиши, қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот, билан олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада либераллаштириш, биринчи гада, судларнинг амалдаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасидаги ишлар бугун ўз самараларини бермоқда. Эеро, бугун халқаро ҳамжамиятда иқтисодий тараққиёт ва

(Давоми 3-бетда).

ДАСТУРЛАР ИЖРОСИГА БАФИШЛАНДИ

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳужа-лиги масалалари ва экология ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши билан биргаликда қўшма сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Хоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш бош бошқармаси, унинг бўлиmlари, шунингдек, бошқа ваколатли ташкилотларнинг қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш бўйича фаолияти тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Маълумки, 2009 йил 26 январда Президентимизнинг қарори билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури қабул қилинган эди. Унда қишлоқ саноат ишлаб чиқариши ва қурилишини янада жадал ривожлантириш, хизмат қўра-тиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш ва-зифаси белгиланган.

Бугунги кунда Хоразм вилояти қишлоқларида ҳам ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривож-

лантириш, аграр секторнинг самарадорлигини ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш, қишлоқ ҳўжалик мах-сулотларини қўқор қайта ишлаш ва қишлоқда бандлик қўрақчиликнинг ўси-лишига қаратилган мақсадли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш ўринлидир. Шу билан бирга, бу борадаги ишларнинг таҳлили ҳали вилоятда мавжуд за-хир ва имкониятлар тўлиқ ишга со-лимаётганини қўрақчиликда. Айниқса, қишлоқ жойлардаги мавжуд ишлаб чи-қариш қувватларини модернизация қилиш ва янгилаш ҳисобига қўшма иш ўринлари яратиш ишлари су-ст олиб борилаётди.

Маҳаллий кенгашларда

Эътибор қаратилган. Қорақалпоғистон Республикаси Мохнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш вазирлиги, унинг ту-манлардаги бандликка қўрақчиликни мақсадли равишда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди. Қорақалпоғистон Рес-публикаси Мохнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш вазирлиги, унинг ту-манлардаги бандликка қўрақчиликни мақсадли равишда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди. Қорақалпоғистон Рес-публикаси Мохнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш вазирлиги, унинг ту-манлардаги бандликка қўрақчиликни мақсадли равишда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши тегиш-ли қўмиталарининг Эллиққалъа туманида ўтказилган сайёр йиғилишида ҳам ушбу масала муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" ҳамда Инқирозга қарши чора-лар дастурида аҳоли турмуш дара-шасини янада яхшилашга алоҳида

эътибор қаратилган. Қорақалпоғистон Республикаси Мохнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш вазирлиги, унинг ту-манлардаги бандликка қўрақчиликни мақсадли равишда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди. Қорақалпоғистон Рес-публикаси Мохнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш вазирлиги, унинг ту-манлардаги бандликка қўрақчиликни мақсадли равишда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди.

Янгибой ҚўҚОРОВ.

чиларини иш билан таъминлашга эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Чунонки, 2008-2009 ўқув йилида республикадаги мавжуд коллежларни битирган 20686 нафар йиғит-қиз иш билан банд этилган. Бандлик дастури та-лабларига мувофиқ, бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш лозим. Туманлардаги ва ишлаб чи-қариш корхоналарида қасаначиларга ҳақ тўлаш ва уларни моддий ра-ғбатлантиришни тўғри йўлга қўйиш айна заруратдир.

Мажлисида, шу билан бирга, банд-лик масаласи бўйича жойларда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди. Қорақалпоғистон Рес-публикаси Мохнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш вазирлиги, унинг ту-манлардаги бандликка қўрақчиликни мақсадли равишда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди. Қорақалпоғистон Рес-публикаси Мохнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига қилиш вазирлиги, унинг ту-манлардаги бандликка қўрақчиликни мақсадли равишда жид-дий камчиликлар борлиги ҳам таъ-кидланди.

Янгибой ҚўҚОРОВ.

Пойтахтимиздаги Халқаро савдо марказида 24 ноябрь кун Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамла-катнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, су-гурта, ахборот технологи-ялари, фармацевтика, сайёҳлик, транспорт ва транспорт коммуникация-лари, озиқ-овқат саноати, кимё, қишлоқ ва сув ҳўжа-лиги, қурилиш материал-лари ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият қўра-таётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирли-нининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Н. На-жимов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўлаётганини, бун-да икки давлат раҳбарла-рининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини ало-ҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Польша иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкор-лик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатланти-риш тўғрисидаги битим-лар каби қатор ҳужжат-ларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулай-лик яратиш тизими жорий этилган.

Юртимизда хорижий сармоядорлар билан ҳам-корликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоя-вий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, ички дав-лом этабтлар хусусийлаш-тириш жараёни Польша

ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан ҳам-корликка эътиборини кучайтирмоқда.

Мамлакатларимиз ўрта-сида ўзаро товар айир-бошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2008 йили бу борадаги қўрақчилик 94,2 миллион, жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари-да эса 90,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Польша сармояси иштирокида ту-зилган йиғирмата қўшма корхона фаолият қўра-таётди. Улар савдо, қури-лиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё саноати, мебелсозлик, атторлик каби соҳаларда иш юри-тади. Юртимизда Польша-нинг саккиз йирик компа-нияси ўз ваколатхонаси-ни очган.

— Мамлакатимиз Ўзбе-кстон билан ҳамкорлик-ни ривожлантиришга ало-ҳида эътибор билан қарайди, — деди Польша иқтисодий вазирининг ўринбосари Рафал Баняк. — Дунёда иқтисодий ин-қироз давом этаётганига қарамай, мамлакатлари-миз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ошиб бори-моқда. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан самарали иш юри-тиш учун барча қулайлик-лар мавжуд. Бу мамлакат-ларимиз ўртасидаги иқти-содий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик па-латаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқий муҳо-фаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Б. Мустафоев бошқарган мажлисида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган тамойиллардан бири — қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойиллари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотла-рини амалга ошириш учун мустақкам саман яратгани ало-ҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДА

2009 йил 23 ноябрь кун Россиянинг "РБК" телеканали кечки ахборот дастурида "Ўзбекистон бир ёқлама тартибда, сабабини изоҳламаган ҳолда Қозғоғистон билан чегарасини ёпиб қўйди" деган хабар тарқатилди.

Ўзбекистон томонининг фикрига кўра, ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, очик бўҳтондан иборат бу хабар замирида ахборот майдонидан икки яқин қўшни давлатлар — Ўзбекистон билан Қозғоғистон ўртасида танглик вужудга келаётгандек тасаввур пайдо қилиш, турли уйдирмалар тарқатиш мақсади ётибди.

Аслида эса, гап мавсумий грипп тарқалиши туфайли, Қозғоғистон томонини олдиндан огоҳлантирган ҳолда, Ўзбекистон томонидан шу йил 13 ноябрь кун эълон қилинган чегарадаги вақтинчалик карантин чекловлари ҳақида бормоқда.

Россия каналининг бу каби иттифоқона хабари таажуб ва ҳар қандай қораловдан бошқа нарсага муносиб эмас.

МАДАНИЯТ

хабарлари

«САНЪАТ БЕШИГИ»

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Санъат бешиги» деб номланган фестивал ўтказилди.

Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ёшлар ижод саройи ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбир доирасида Республика ихтисослашган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг расмлар кўргазмалари ҳам бўлиб ўтди.

Кўргазмага рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат йўналишидаги асарлар тақдим этилган бўлиб, тадбир сўнггида танлов голиблари эълон қилинди. Унга кўра, С. Сапарбоева, Л. Қўзиёва, З. Назарова турли йўналишларда голиб деб топилган бўлиб, фестивал Гран-приси П. Грековга насиб этди. Муслима йўналишидаги танловда эса Ёш фортепьяночи Н. Аҳмаджоновнинг махорати юқори баҳоланди. Танлов голибларига тадбир ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

З. РАҲМАТОВА.

Ёш ОИЛАЛАР — ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда жисмоний имконияти чекланган ёш оилалар ўртасида «Энг намунали ёш оила» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Халқро Ногиронлар кўни олдидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон кўзи охирида жамияти, Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган ушбу танловни ўтказишдан мақсад ёшларни оилага тайёрлаш, улар қалбига боқий қадриятларини чуқурроқ синдириш, урф-одат ва аъёнларини мизини қадрлаш ҳисларини кучайтиришдан иборатдир.

Уч босқичда бўлиб ўтган танловда республикамизнинг барча ҳудудларидан 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган бир ярим мингга яқин ёш оила иштирок этди. Танловнинг якуловчи босқичида голиблик самарқандлик Зокир Мухаммадовлар оиласига насиб этди.

М. БАЁНОВ.

Президентимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талабларига мос тарзда ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, замонавий кутубхона тармоғини ташкил қилиш, ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-авайлаш мақсадида янги ахборот марказлари барпо қилинмоқда. Ана шундай нуфузли маърифат масканларидан бири, шубҳасиз, Тошкент вилояти «Туғон» ахборот-кутубхона марказидир.

Ахборот-кутубхона маркази:

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲОҲИ

Мазкур маскан 1913 йили маърифатпарвар боболаримиз томонидан ташкил этилган эди. Ушунда кутубхона жамғармасида бор-йўғи 3 мингга яқин адабиёт бўлган. Ҳозир ушбу ахборот-кутубхона марказида 380 минг нусхадан ортиқ китоб мавжуд бўлиб, уларнинг 80 мингга яқини ўзбек тилидаги асарлардир. Айтиш керакки, бу ерда 1918 йилдан буён нашр қилинган газеталар ва ҳозирда чоп этилаётган 70 га яқин даврий нашрларнинг жамланмалари асраб келинмоқда. Қолаверса, марказ жамғармасида 4,5 минг нусхадан ортиқ ва қимматбаҳо нашрлар сақланаётди. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг 70 фоизидан ортиги ижтимоий-сиёсий, қишлоқ ҳўжалиги, табиий фанлар, адабиёт-шунослик ва тилшунослик, санъат ва спортга оид адабиётлардир. Шу қунларда ушбу адабиётларнинг электрон нусхаларини яратиш устида иш олиб борилаётган.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тарбия ишини янги босқичга кўтаришда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг аҳамияти жуда катта. Шу сабабли бошқа жойларда бўлгандек, «Туғон» ахборот-кутубхо-

на марказида ҳам автоматлаштириш ва электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ишлари изчил давом этмоқда. Албатта, бу борда Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

— Мустақиллик йилларида кутубхонамиз фаолияти жонланди, — дейди муассаса илмий ходими Даврон Ражабов. — Маълумки, «Туғон» бой тарихга эга. Шунини инобатга олиб-марказида музей ташкил этилди. Унда тарихий лавҳалар, кутубхона ташкилотчиларининг фотосуратлари, даврий нашрларда эълон қилинган қизиқarli маълумотлар жамланган. Китобхоналаримиз бундан бот-бот эътироф этишмоқда.

Айтиш лозимки, кутубхона ахборот технологияси билан таъминлаш 1998 йилда бошланган эди. Утган даврда бу борда салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, 2000 йилдан Ҳуқуқий ахборот маркази фаолият кўрсата бошлади. У «Ҳуқуқ» ва «Меъёр» ахборот-қидирув ҳамда Интернет тизимлари уланган бўлиб, китобхона-

ларимиз ушбу тизимлар орқали янги ҳуқуқий адабиётларни олиб ўқишмоқда. Бу ерда республикада биринчи бўлиб ўзбек тилидаги адабиётлар тўғрисидаги ахборотларнинг электрон каталоги яратилган. Айтиш керакки, «Миллий матбуот саҳифаларида» номи электрон маълумотлар базаси ташкил қилинган. Бундан ташқари, 2003 йилдан бошлаб Замонавий ахборот технологиялари бўлими ҳамда маҳал-

лий тармоққа уланган компьютерлар воситасида ишлайдиган ўқув-маслаҳат маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ахборот-кутубхона марказида соҳа ходимларининг билимини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, АКМ таркибидан Ҳуқуқий ахборот маркази кўмағида нафақат Тошкент вилояти, балки бутун республика кутубхона ходимлари учун семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Жумладан, замонавий иқтисодий шартларда кутубхона ишини янги кўринишлари, кутубхона-

ларимиз ушбу тизимлар орқали янги мавзуларини яратиш шартлари мавзулариди семинар-тренинглари бунинг мисолидир. Бундай тадбирлар жойларда ҳам қўллаб ўқазилаяпти. Масалан, Бўстонлик туманида ташкил этилган «Замонавий жамиятга — замонавий кутубхона» мавзусидаги йилги кутубхоначилар учун фойдали бўлди. Шу ўринда «Туғон» ахборот-кутубхона марказидаги янгиланишлар унинг таркибий тузилишида акс этатганлигини ҳам айтиш лозим. Ҳозир бу ерда Илмий-услубий, Ахборот-кутубхона ҳўжжатларини сақлаш, Ахборот-кутубхона ҳўжжатларини буғлаш, Каталоглаштириш ва ахборот-кутубхона ҳўжжатларини ишлаш, Ахборот-библиография, Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда Ахборот технологиялари бўлимлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

— Президентимиз қароридан сўнг «Туғон» ахборот-кутубхона марказини ахборот технологиялари билан таъминлаш анча яхшиланди, — дейди марказ ходими Мунаввар Обидова. — Жумладан, 38 донна компьютер, сканер, ксерокс, лазер принтери ва проектор келтирилди. Ана шу воситалардан унумли фойдаланиб, илмий-оммабоп, бадий адабиётларнинг икки мингдан ортиқ номдаги тўла матнли электрон базасини яратдик.


Қисқаси, «Туғон» ахборот-кутубхона марказида Президентимиз қарори ижросини таъминлаш, китобхоналарга замонавий қулайликлар яратиш мақсадида қўллаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар дастлабки натижаларини бермоқда: китобхона хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланиб, электрон китобларнинг дастлабки нусхалари уларга бориб этди. Ахборот-кутубхона жамоасининг гагддаги вазифалари эса янада улкан. Улар бу ерда сақланаётган барча китобларнинг электрон нусхаларини яратиш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Зеро, китоб — нур, бу нурдан баҳраманд бўлган юртдошларимиз, хусусан, ёшларимиз юксак маънавиятли ва ватанпарвар инсон бўлиб камол топадилар.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

Ҳуқуқий ахборот маркази кўмағида нафақат Тошкент вилояти, балки бутун республика кутубхона ходимлари учун семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Жумладан, замонавий иқтисодий шартларда кутубхона ишини янги кўринишлари, кутубхона-

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



Аниқ ва тезкор ташхис, маълумки, тиббий хизмат инсон саломатлигини тиклашнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу боис Истиклол йилларида Юрбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиздаги мавжуд тиббиёт муассасаларини энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қувонарлиси, бу борадарли хайрли ишларга ташаббускор ва жонқуяр юртдошларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшаётди.

Марҳамат туманининг «Қоракўрган» қишлоқ фўқаролар йиғини ҳудудида шифокор Тўлқинжон Умаров томонидан ишга туширилган шифо маскани ҳам қарийб етти йилдан буён юртдошларимизга малакали хизмат кўрсатиб келмоқда. Юрак, қон-томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари, ревматик ва ички

аъзолар ҳасталикларини даволашга ихтисослашган мазкур масканда бир ойда 60 нафар бемор шифо топади. Хориждан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар, ташхис ускуналари беморларнинг саломатликларини тиклашларига хизмат қилаяпти. Бу ерда фаолият юритаётган 15 нафар ҳамшира ва шифокорларнинг барчаси катта таъриба ҳамда малакага эга.

— Келгусида бу ерда физиотерапия, стоматология ва косметология бўлимлари фаолиятини ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди Тўлқинжон Умаров. — Натижада аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз қамрови янада кенгайди.

Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

СУРАТДА: шифо маскани фаолиятдан лавҳа.

Тиббиёт

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

РКМБ Хоразм вилояти аукцион савдосига Урганч шаҳар СИБ томонидан куйдаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 23 мартдаги 1032-сонли, 2009 йил 30 мартдаги 1583-сонли, 2009 йил 5 августдаги 6757-сонли ижро варақаларига асосан, «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Й. Бобоҷонов кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони 2305,5 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 1288,88 кв.м.ни ташкил қилган маъмурий бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 365 197 770 сўм.

II. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 11 майдаги 2483-сонли ва 2009 йил 26 январдаги 17708-сонли ижро варақаларига асосан, «Хоразм вилояти МТПБ» ОАЖга қарашли, Хонқа кўчаси, 36/2-уйда сақланаётган: 1. «Кейс-2166» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 17-57ЕН бўлган техник соз қомбайн. Бошланғич баҳоси — 104 141 700 сўм.

2. «Кейс-2166» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 17-59ЕН бўлган техник соз қомбайн. Бошланғич баҳоси — 104 141 700 сўм.

III. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 11 январдаги 8029-сонли ижро варақасига асосан, «Хоразмавтоўлу» МЙХПФДКга қарашли: 1. Урганч шаҳри, Биноқор кўчаси, 1-уйда, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1382,27 кв.м. бўлган, 20 қишлоқ меҳмонхона тилида қурилган 2 қаватли турароқ бинолари. Бошланғич баҳоси — 264 632 263 сўм.

2. Урганч шаҳри, Хива шоҳукаси 1 км да жойлашган, умумий ер майдони 32792,37 кв.м., қурилиш ости ер майдони 4940,34 кв.м.ни ташкил қилган автобаза бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 229 178 973 сўм.

IV. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 11 мартдаги 17254-сонли ижро варақасига асосан, «Хоразм Бўён» МЧЖга қарашли, Урганч шаҳри, Шилк кўчаси, 1-бەрк кўчада жойлашган, умумий ер майдони 7876,65 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 469,89 кв.м.ни ташкил қилган маъмурий бино, оғборхона, ёрдамчи бино ва бостирма. Бошланғич баҳоси — 82 252 584 сўм.

V. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 17 июл-даги 8029-сонли ижро варақасига асосан, «Тўямўйин Урганч» МСҚБга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Жалилдин Манғуберди кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 495,52 кв.м. бўлган 2 қаватли маъмурий бино ва махлислар зали биноси. Бошланғич баҳоси — 167 434 270 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диктантга!

Юқоридаги мулклар 2009 йил 11 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу мулкларни сотиш савдосидан такоррий аукцион савдоси 2009 йил 29 декабрь куни бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-362) 226-43-64 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидида талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига ўтказиш шарт: 20210000700571452056, АТИБ, «Ипотэкабанк»и «Тинчлик» филиали; МФО: 00580, СТИР: 200933850.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобоҷонов кўчаси, 23-уй. Телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: (8-362) 224-36-97.

РКМБ марказий аппаратида 2009 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақдоран, Ҳамза тумани СИБ томонидан 2009 йил 20 февралдаги 2-164-08-сонли ижро ҳўжжатига асосан, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган «Мерседес-Бенц Е-280» русумли, давлат рақами 14АЕ485 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 67 534 503 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситаси «Тошкент оқшоми» газетасининг 2009 йил 10 ноябрдаги 217-сонида хабарнома чоп этилган.

Мазкур савдода қатнашиш истагидида талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки «Саб-Сон» филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига ўтказиш шарт: 202100003000571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Уроғбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокда бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 № 000004

«O`zbekenergo» DAK «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарорини бажариш юзасидан танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов номи — Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Янгиер шаҳарларида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш вазифасини бажарадиган хусусий инвестор операторлар танловини ташкил этиш.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилиб, унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд: Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Янгиер шаҳарлари.

Танлов ташкилотчиси — «SIRDARYOELEKTRTARMOQLARI» OAJ. Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳўжжатларида белгиланган шартларга мувофиқ электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Танловда қатнашиш учун ҳўжжатлар ҳар бир шаҳар учун алоҳида қабул қилинади.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва мuddати: Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 64-уй, «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJ биноси. Малакавий танлов эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш мuddати тугагунга қадар давом этади.

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2009 йил 25 декабрь соат 18.00 гача.

Танлов ўтказиш мuddати — 2009 йил 30 декабрь соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўттиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига куйдаги ҳўжжатларни тақдим этишлари лозим: • Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома; • давлат рўйхатига олиш идорасининг инвестор қайта ташкил этилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси; • давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли идоралар томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги

гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳўжжатлари; • инвесторнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳўжжатларнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ва иккиламчи рақамлари асосида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси; • инвестор «O`zbekenergo» DAK ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «O`zbekenergo» DAK томонидан берилган маълумотнома;

• инвестор ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланилган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.

Куйдаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- танлов ҳўжжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳўжжатларни белгиланган мuddатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам мuddатда таъсис этилган;
- «O`zbekenergo» DAK ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Танлов ҳўжжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳўжжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳўжжатларини олиш истагидидаги инвесторлар танлов бўйича олинандиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJнинг махсус ҳисоб рақамига танлов ҳўжжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказадилар: «Узсаноатурилишбанк»нинг Гулистон шаҳар бўлими, ҳ/р 20210000900134817112, МФО: 00855, СТИР: 200324414, ОКОНХ: 11170.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳўжжатларини олиш учун «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJга мурожаат қилиш керак.

Манзил: Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 64-уй. Телефон: (8-3672) 25-04-76.

Танлов ҳўжжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорига, гаров суммаси эса энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробари миқдорига белгиланган.

Танлов ҳўжжатларини олиш учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Танлов иштирокчилари маълумот олиш учун ҳар куни (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача, танлов таклифларини қабул қилиш мuddати тугагунга қадар мурожаат этишлари мумкин.

15.03/1.00

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Тахриратта келган қўғмазар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.